



Аудиторская организация

«O'ZBEKKO'MIR» Акциядорлик жамиятининг 2024 йил
молия-хўжалик фаолияти якунлари юзасидан

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

2025г.

«O'ZBEKKO'MIR»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
2024 ЙИЛ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК
ФАОЛИЯТИ ЯКУНЛАРИ ЮЗАСИДАН

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

1. КИРИШ ҚИСМ.

Тузилган санаси.
Тузилган жойи:

2025 йил 30 апрел.
Тошкент шаҳри.

Аудитор ҳисоботи йулланди:

Ҳукукий манзили:

Ҳисоб рақами:
Банк:

МФО:
ИНН:

« O'ZBEKKO'MIR »
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри,
Истиқлол кўчаси, 1-уй
2021 0000 6001 2695 6001
ТОШКЕНТ Ш., "УЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКИ"
АТБ БОШ ОФИСИ
00440
200 899 410.

Аудитор ҳисоботи тузилди:
Ҳукукий манзили:
Банк:
МФО:
Ҳисоб рақами:
ИНН:

"GREAT FOURS" МЧЖ АТ
Тошкент ш, Саёхат кўчаси, туп, 2-уй
АТБ «Хамкорбанк» Авиасозлар ф-ли.
00083
2020 8000 3054 7651 9001
309 177 255

Аудиторлик ташкилоти:

2022 йил 07-январдаги №1080256 сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 98-тартиб рақами билан аудиторлик ташкилотлари реестри таркибига киритилган.

Бош директор:

Мадрахимов Лазизбек Авазович
(2025-йил 23-февралдаги №06508 сонли аудитор малака сертификати)


Аудитор:

Нурматов Фарход Кодирович
(2024-йил 24-ноябрдаги №-06472 сонли аудитор малака сертификати)

Аудиторлик текширувига асос:

11.04.2025 йилдаги К1065443-сон

"GREAT FOURS" МЧЖ Аудиторлик ташкилоти аудитори:



Нурматов Ф. К.

шартномаси

Аудиторлик текшируви бошланди: 16.04.2025 йил.
Аудиторлик текшируви якунланди: 30.04.2025 йил.

2. АНАЛИТИК ҚИСМ

Ушбу аудиторлик текширувини ўтказишдан мақсад, текширилаётган ташкилот молиявий ҳисоботларини ва молиявий ҳисоботидаги маълумотларини Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мослигига аудитор муносабати ва молиявий ҳисоботларини ва молиявий ҳисоботидаги маълумотларини ишончлилигини баҳолашдан иборат.

Аудиторлик текшируви аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)га мувофиқ ўтказилди. Аудиторлик ташкилотининг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлиги ушбу ҳисоботнинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Аудиторлик текширувлари Жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) "Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ Кодекси" талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли қонун ҳужжатларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятлари бажарилган.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- корхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади;

- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш.

Аудиторлик текширувини ўтказишда қуйидаги бухгалтерия ҳужжатлари манбааларидан фойдаланилди:

Таъсис ҳужжатлари, 2024 йил молиявий ҳисобот шакллари, баланс актив ва пасивлари сатрлари маълумотларини акс эттирувчи журнал-ордерлар, ходимлар билан ҳисоб-китоблар бўйича ведомостлар, буйруқлар ва ички йўриқномалар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби, мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар, банк ва касса ҳужжатлар, ва бошқа молиявий ва бухгалтерия ҳужжатлари.

Аудиторлик текширувлари давомида ташкилотда бухгалтерия ҳисобини юритишда замонавий бухгалтерия ҳисоби дастури "1-С Бухгалтерия 8.1" дан фойдаланилганлиги аниқланди ва ушбу дастур маълумотлари базаси аудитор томонидан ўрганилди ҳамда аудиторлик текширувлари учун бирламчи ҳужжатлар сифатида "1-С Бухгалтерия 8.1" дастури маълумотларидан фойдаланилди.

Аудиторлик текширувини ўтказишда қуйидаги Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси талабларига мослигига эътибор қаратилди:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Аудитнинг халқаро стандартлари;

- Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари;
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни;
- Ўзбекистон Республикасининг аудиторлик фаолияти билан боғлиқ амалдаги қонун ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги солиқ қонунчилиги ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида шартновий-ҳуқуқий базаси" тўғрисидаги Қонуни;
- "Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисидаги Низом";
- Амалдаги бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар таркиби.

Ташкилот фаолияти билан боғлиқ асосий меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички тартиблар:

- Таъсис ҳужжатлари;
- Корхонанинг 2024 йил учун ишлаб чиқилган Ҳисоб сиёсати;
- Солиқ солиш мақсадларидаги Солиқ сиёсати;
- Ишчи счётлари режаси;
- Маъмурият ва меҳнат жамоаси ўртасида тузилган жамоа шартномаси;
- Иш ҳақи тўлаш ва мукофотлаш тўғрисидаги Низом;
- Лавозим Йўриқномаси;
- Турли ички тартибни ифодаловчи ҳужжатлар.

2.1. МИЖОЗ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШУВ

«O'ZBEKKO'MIR» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда матнда Жамият деб юритилади) муассислари Умумий йигилишининг 2022 йил 30 июндаги акциядорларнинг умумий мажлиси қарори билан рўйхатга олинган.

Жамият Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонуни 8 моддасига мувофиқ текширилаётган давр мобайнида қўйидаги раҳбар ходимлар биринчи ва иккинчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан ишлаганлар:

DUSMATOV NODIRBEK UKTAMJANOVICH	Аудиторлик текшируви даври мобайнида Жамият Бош директори лавозимида ишлаб келган.
UMAROV ZAYNIDDIN TOSHMATOVICH	Аудиторлик текшируви даври мобайнида Жамият Бош бухгалтери лавозимида ишлаб келган.

Юридик манзили: Тошкент вилояти Ангрен шаҳри Истиқлол кучаси 1-уй
Почта манзили: Тошкент вилояти Ангрен шаҳри Истиқлол кучаси 1-уй
Ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти.

Аудиторлик текшируви давомида аниқланишича, жамиятнинг асосий фаолият тури ўзининг тасдиқланган Уставига тўла мос келади. Жамият мустақил солиқ тўловчи сифатида Тошкент вилояти Ангрен шаҳри ДСИ рўйхатида туради ва умумбелгиланган солиқ тўловчиси ҳисобланади.

2.2. ЖАМИЯТ АСОСИЙ ФАОЛИЯТ ТУРИ ВА УСТАВ ФОНДИНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

2.2.1 Жамият асосий вазифалари ва фаолият турлари

«O'ZBEKKO'MIR» акциядорлик жамияти асосий вазифалари ва фаолият турлари қуйидагилардан иборат:

- кўмир, руда ва норудавий фойдали йулдош қазилмаларни қидириш, қазиб чиқариш ва, бойитиш ва қайта ишлаш;
- илмий – тадқиқот ва лойиха ишларини ташкил қилиш, кўмир саноатида техник сиёсатни амалга ошириш, ижтимоий вазифаларни хал қилиш;
- жaxon бозорида рақобатбардош махсулотлари ишлаб чиқариш суръатларини хар томонлама ошириш;
- таёр махсулотни сотиш, жумладан экспорт қилиш;
- бозор конъюктураси ва махсулотлар маркетингидан келиб чиққан холда ишлаб чиқаришнинг ривожланиш стратегиясини белгилаш;
- кўмир тармоғини инвестиция сиёсати соҳасига таклифлар ишлаб чиқиш ва лойихаларни амалга ошириш учун чет эл капиталини жалб этиш;
- жамият кўмир конларини ўзлаштиришнинг тажрибавий ва саноатда фойдаланиш лойихаларини, технологик хариталарни ҳамда янги объектлар қурилиш лойихаларини ишлаб чиқариш, геология - қидирув ишлари лойихаларини тасдиқлаш ва экупертизадан ўтказиш, кўмир қазиб чиқариш тармоғини кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник қайта жихозлаш;
- хорижий банк ва компаниялардан соҳани ривожлантириш учун кредит олишни ташкил қилиш;
- таъминот – сотиш фаолияти;
- товар ва хизматлар экспорт – импорти, сервис хизматлари;

Жамият Узбекистон Республикаси конунларида таъкикланмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланиш ҳуқуқига эга.

Махсус лицензия (рухсатнома) олишни талаб қиладиган фаолият турлари конунчиликда белгиланган тартибда лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

2.2.3 Жамиятнинг устав фондининг шаклланиши.

«O'ZBEKKO'MIR» акциядорлик жамиятининг иштирокчиси – жамият устав капиталда улушга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Жамиятнинг устав капитали унинг кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган Жамият мулкнинг энг кам миқдорини белгилайди ва Жамият иштирокчилари улушларининг номинал қийматидан иборат.

Иштирокчининг устав фондидаги улуши қуйидагича:

«O'ZBEKKO'MIR» акциядорлик жамиятининг устав фонди акциядорларининг эгалик ҳуқуқи бўлган Жамият барча акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

Жамиятнинг устав капитали 185 773 565 000(бир юз саксон беш миллиард етти юз етмиш уч миллион беш юз олтмиш беш минг) сўмни ташкил қилади. У хар бирининг номинал қиймати 1 000 сум бўлган 184 302 515 (бир юз саксон тўрт миллион уч юз икки

минг беш юз ўн беш) дона оддий ва 1 471 050 (бир миллион тўрт юз етмиш бир минг эллик) дона имтиёзли акцияларга бўлинган.

Жамият устав капитали миқдорини купайтириши ёки камайтириши мумкин. Устав капитали миқдорини узгартириш иштирокчиларнинг Умумий йигилиш қарори билан амалага оширилади. Жамият устав капиталининг миқдорини узгартириш туғрисидаги қарор ушбу уставга тегишли узгартиришлар киритилганидан ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат руйхатидан утказилганидан кейин қучга киради.

Жамиятнинг устав капиталини оширишга у тулик туланганидан кейин йул қуйилади. Жамиятнинг устав капиталини купайтириш Жамиятнинг мол-мулки ҳисобидан ва Жамият иштирокчиларининг устав фондига қушимча бадаллари ҳисобидан ва жамият аъзоси сифатида қабул қилинган учинчи шахсларнинг устав фондига бадаллар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Устав капиталини купайтириш тартиби конун билан белгиланади. Пул, қимматли қозғалар, бошқа нарсалар ёки мулкый ҳуқуқлар ёки пул қийматиға эға булган бошқа ҳуқуқлар жамиятнинг устав капиталиға ҳисса булиши мумкин.

Устав капитали купайган тақдирда, иштирокчилар улушларни тулашда пул қийматиға эға булган пул маблагларини, қимматли қозғаларни, бошқа нарсаларни ёки мулкый ҳуқуқларни ёки бошқа ҳуқуқларни депозит қилишлари мумкин.

Жамият конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда уз устав капиталини камайтиришға ҳақли.

Устав капиталини камайтириш Жамиятнинг устав фондидаги барча иштирокчилар улушларининг номинал қийматини камайтириш ва жамиятға тегишли улушларни сотиб олиш йули билан амалша оширилиши мумкин. Устав капиталини камайтириш тартиби конун билан белгиланади.

2.3. БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ЮРИТИЛИШИ ВА ИЧКИ НАЗОРАТ

Текширилаётган ташкилот ички назорат тизими ва бухгалтерия ҳисобининг юритилишини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси АФМС (12-сон АФМС) "Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш" Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009-йил 29-декабрдаги 108-сон билан тасдиқланган Стандарти асосида амалга оширилди.

Бухгалтерия ҳисоби тизими — хўжалик юритувчи субъектнинг вазифалари ва ёзувларининг йиғиндиси бўлиб, улар орқали молиявий ҳисоботда хўжалик операциялари ва бошқа воқеалар натижаларини идентификациялаш, тўплаш, таҳлил қилиш, ҳисоблаш, таснифлаш, умумлаштириш ва акс эттириш мақсадида бухгалтерия ҳисобини юритиш усули сифатида хўжалик операциялари натижаларини қайта ишлаш;

Ички назорат тизими — хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқлиги ва ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар (ички назорат воситалари) йиғиндиси.

Аудиторнинг бухгалтерия ҳисоби тизимининг ташкил қилиниши ва ички назорат тизимининг самарадорлиги туғрисидаги фикри аудиторлик амалларини ўтказишни режалаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби тизимининг хусусиятлари, шунингдек ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш натижаларининг ҳужжатлаштирилмаганлиги ёки етарли даражада ҳужжатлаштирилмаганлиги

аудиторлик текширувининг лозим даражада ўтказилмаганлигига далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Аудиторлик текширувлари жараёнида аниқланган бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизимининг камчиликлари, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар аудиторлик ҳисоботида акс эттирилиши лозим.

Ташкилот ҳисоб сиёсати Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, у бухгалтерия ҳисоби 21-миллий андозасига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётларининг янги режаси талабларига зид эмас.

Аудиторлик текшируви жараёнида **Жамият** бухгалтерия ҳисоби "1-С Бухгалтерия-8.1" компьютер дастури орқали амалга оширилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг Миллий андозалари (БҲМС) талабларига мувофиқ юритилган.

Жамиятнинг 2024 йил учун тузилган молиявий ҳисоботлари бош китобдаги ёзувларга асосан тузилиб, ишонарли тарзда акс эттирилган, давлат солиқ инспекцияси ва бошқа давлат ҳокимияти органларига ўз вақтида топширилган.

Аудиторлик текшируви якунида **Жамият** бухгалтерия ҳисоби тизимининг ташкил қилиниши ва ички назорат тизимининг самарадорлиги аудитор томонидан баҳоланди ва Халқаро аудит стандарти (220-сон ХАС) "Молиявий ҳисоботлар аудитида сифат назорати" талабларига мувофиқ **ЯХШИ** даражада деб баҳоланди.

2.3.1 ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОДАН ФОЙДАЛАНИШ АУДИТИ

Электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 12 октябрдаги ЎРҚ-793-сонли Қонуни билан тартибга солинади.

Электрон рақамли имзо — электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгаришлар натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик мавжуд эмаслигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо калитининг эгасини идентификация қилиш имконини берадиган имзо.

Электрон ҳужжат — электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот.

Бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя этилган тақдирда, электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо қоғоз ҳужжатга қўлда шахсан қўйилган имзо билан бир хил аҳамиятга эга бўлади, агар:

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса;

электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш пайтида ёхуд имзолаш пайтини белгиловчи далиллар мавжуд бўлганда электрон ҳужжатни имзолаш пайтида амалда бўлса.

Электрон рақамли имзо воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ сертификатлаштирилиши керак.

Электрон рақамли имзолар калитлари эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:
электрон рақамли имзо калитининг эгаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

электрон рақамли имзо калитининг сертификатини бериш, рўйхатга олиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш ва тугатиш тўғрисидаги ариза билан рўйхатга олиш марказига мурожаат этиш;

электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш ҳақида сўров юбориш.

Ушбу модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда, электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги сўровни рўйхатга олиш марказига мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугагунига қадар камида икки ҳафта олдин юбориш керак.

Электрон рақамли имзо калитининг эгаси:

электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити хавфсизлигини таъминлаш учун барча мумкин бўлган чораларни кўриши;

электрон рақамли имзонинг калити бошқа шахслар томонидан фойдаланилаётганлиги ёки кириш режимининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказини дарҳол хабардор қилиши;

тарқатилиши чекланган ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжатларга имзо қўйиш учун мўлжалланган электрон рақамли имзонинг калитидан фақат тегишли мақсадларда фойдаланиши шарт.

Аудиторлик текширувлари давомида Жамиятда электрон рақамли имздан фойдаланиш тартибига риоя этилиши ўрганилди. Электрон рақамли имздан фойдаланиш бўйича амалдаги қонун-ҳужжатлари талабларидан четга чиқишлар кузатилмади.

2.3.2 ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАР АУДИТИ

Давлат харидлари соҳасидаги муносабатларни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли Қонуни билан тартибга солинади.

Давлат харидлари — давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёни.

Тендер — давлат харидини амалга оширишнинг рақобатли тартиб-таомили воситасида давлат харидларининг ижрочисини аниқлаш тартиб-таомилини назарда тутувчи танлов бўлиб, унинг натижаларига кўра давлат харидлари тўғрисидаги шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф этган харид қилиш тартиб-таомилларининг иштирокчиси ғолиб деб топилади.

Давлат харидларининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- касбий маҳорат ва масъулиятлилик;
- асосланганлик;
- молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги;
- очиқлик ва шаффофлик;
- рақобат ва холислик;
- мутаносиблик;
- давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;
- коррупцияга йўл қўймаслик.

Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуйидагилардан иборат:

- электрон дўкон;

- бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;
- энг яхши таклифларни танлаш;
- тендер;
- тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари.

Иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларига тааллуқли бўлган таклифларини баҳолаш мезонларида:

- ✓ нарх;
- ✓ етказиб бериш базиси;
- ✓ етказиб бериш муддатлари;
- ✓ тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари;
- ✓ эксплуатация қилиш (фойдаланиш) муддати;
- ✓ тўлов ва кафолатлар шартлари.

Давлат харидлари жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- ❖ давлат харидларини режалаштириш;
- ❖ харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;
- ❖ шартномани тузиш ва бажариш;
- ❖ давлат харидлари мониторинги.

Аудиторлик текширувлари давомида давлат харидларини амалга оширишда белгиланган тартибга риоя этилиши ўрганилди. Давлат харидларини амалга ошириш даврида амалдаги қонун-ҳужжатлари талабларидан четга чиқишлар кузатилмади.

2.4. ҲИСОБ СИЁСАТИ АУДИТИ

Субъектнинг ҳисоб сиёсати Ўзбекистон Республикаси 1-сонли БҲМС "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот"ида келтирилган принциплар асосида белгиланиши керак.

Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус принципларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди.

Ҳисоб сиёсати молиявий ҳисобот барча мақбул БҲМСларни қўлланиш асосида тузиладиган тарзда ташкил этилиши керак. Махсус талаблар бўлмаган тақдирда молиявий ҳисобот қуйидагича бўлиши керак:

Фойдаланувчилар эҳтиёжи учун аҳамиятли;

Шу жиҳатдан ишончли бўлиши керак:

Субъект фаолияти ва молиявий ҳолатининг барча натижаларини холисона кўрсатиши;

Фақат юридик шаклдан иборат бўлмай, ҳодиса ва операцияларнинг иқтисодий моҳиятини акс эттириши;

Бетараф (беғараз) бўлиши ва мажбурий бўлмаслиги;

Бетарафликка зарар етказмаган ҳолда эҳтиёткор бўлиши;

Барча муҳим жиҳатлари тўла (туғалланган) бўлиши, яъни субъект хўжалик фаолиятининг барча фактларини тўла акс эттириши лозим;

Фаолияти ўхшаш бошқа субъектлар молиявий ҳисоботи билан таққосланадиган;

Субъектнинг ҳисоб сиёсатини аниқ бир йўналиш (масала) бўйича шакллантиришда, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва ҳисобот тузишда Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби бўйича қонунчилик ҳужжатларига амал қилиш керак.

Ҳисоб сиёсати календарь йил давомида ўзгартирилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатини қуйидаги ҳолларда ўзгартиришга йўл қўйилади:

Субъект қайта ташкил этилганда (қўшиб юборилганда, бўлинганда, қўшиб олинганда).

Жамиятда Ўзбекистон Республикаси 1-сонли БҲМС "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот" ида келтирилган принциплар асосида корхонанинг молиявий ҳисоботларини йилма-йил таққосланишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 01 январдан ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилиб, бухгалтерия ҳисоб-китобларини ушбу ҳисоб сиёсатига асосан юритиш белгиланган.

Аудитор тавсияси:

- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ҳамда солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда Корхонанинг ҳисоб сиёсатига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритиб бориш тавсия этилади.

2.5. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ АУДИТИ

Ҳисоботнинг ушбу бўлими бўйича меъёрий-ҳуқуқий базаси:

1. Ўзбекистон Республикаси БХМА №5
2. Ўзбекистон Республикаси БХМА №БХМА 19,
3. Ўзбекистон Республикаси БХМА №БХМА 21,
4. "Мол-мулкни йўқламадан ўтказишда аниқланган ортиқчалик ва камомадларни солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Низом",
5. Бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар.

Асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

а) бир йилдан ортиқ хизмат муддати;

б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида)

белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Жамият раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

Асосий воситалар таркибида шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона мулкига топширилган ер участкалари ҳам ҳисобга олинади.

Кўп йиллик кўчатларга, ерни тубдан яхшилашга, ижарага олинган асосий воситалар объектларига капитал қўйилмалар ҳар йили бутун ишлар мажмуи якунланган санадан қатъи назар, ҳисобот йилида фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларга тегишли харажатлар суммасида асосий воситалар таркибига киритилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш - асосий воситалар тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаш мақсадида уларни вақти-вақти билан аниқлаштиришдир.

Асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати қайта баҳоланган ҳолатларда қайта баҳолаш ўтказилган санадаги уларнинг жамланган амортизацияси асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати ўзгаришининг тегишли индексларига тузатилади ҳамда кейинги ҳисобланадиган амортизация қайта баҳоланган қиймат ҳисобидан амалга оширилади.

Асосий воситалар қиймати амортизацияни ҳисоблаш йўли билан сўндирилади. Амортизацияланадиган қиймат бутун фойдали хизмат муддати мобайнида субъект харажатларига амортизация ажратмалари кўринишида мунтазам тақсимланади. Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ сўндирилгунга ёхуд ушбу объект баланسدан ҳисобдан чиқарилгунга қадар амалга оширилади.

Аудиторлик текширувлари жарёнида 2024 йил 01 январ ҳолатига асосий воситалар 01(XX) ҳисоб рақамлари қолдиғи 2 021 925 257 091,1 сўмни ташкил этган бўлиб, текширув даври мобайнида асосий воситалар счегига ички айланмалар ҳамда филиаллардан филиалларга, бўлимлардан бўлимларга бериб юборишларни ҳисобга олган холда жами 948 122 398 334,26 сўмлик асосий воситалар кирим қилинган. Ҳисобот даврида асосий воситалар счегидан ички айланмалар ҳамда бериб юборишларни ҳисобга олган холда жами 234 274 213 042,59 сўмлик асосий воситалар қайта баҳоланишлар ва чиқими амалга оширилган. Аудиторлик текширувлари жарёнида йил охирига яний 2024 йил 31 декабр ҳолатига асосий воситалар 01(XX) ҳисоб рақамлари қолдиғи жами 2 735 773 442 382,8 сўмни ташкил этган.

2024 йил давомидаги асосий воситалар счегининг айланмаси

(сўмда)

Счеглар	Асосий воситалар гуруҳлари	Давр бошига Қолдик	Кирим	Чиким	Давр охирига Қолдик
0111	Ерни ободонлаштириш	184 090 239,95	0,00	0,00	184 090 239,95
0120	Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар	220 185 214 920,68	97 554 004 193,21	96 798 912 692,57	220 940 306 421,32
0130	Машина ва асбоб-ускуналар	1 234 933 739 477,7	109 205 500 382,07	104 841 372 109,21	1 239 297 867 750,6
0140	Мебель ва офис жиҳозлари	940 071 018,64	5 000 794,12	5 000 794,12	940 071 018,64
0150	Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси	281 426 987,78	0,00	3 785 047,38	277 641 940,4
0160	Транспорт воситалари	562 642 427 468,22	31 259 699 820,4	32 609 797 909,32	561 292 329 379,3
0190	Бошқа асосий воситалар	790 034 978,12	21 087 393,00	15 617 489,99	795 504 881,13
0310	Молиявий ижарага олинган асосий воситалар	1 968 252 000,00	710 077 378 751,46	0,00	712 045 630 751,46
	Жами:	2 021 925 257 091,1	948 122 398 334,26	234 274 213 042,59	2 735 773 442 382,8

Аудиторлик текширувлари давомида Корхонадада асосий воситалар ҳисобининг юритилиши Ўзбекистон Республикаси 5-сон "Асосий воситалар" БХМС талабларига риоя этилиши, жумладан, асосий воситаларни ҳисобга олишдаги асосий қоидалар ҳисобланган асосий воситаларнинг актив сифатида тан олиш пайтини аниқлаш, уларнинг мазкур активларга нисбатан қўлланилиши шарт бўлган баланс қийматини ва амортизация ҳисоблаш усулларини белгилаш, шунингдек асосий воситаларнинг баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни ва уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш ва ҳисобга олиш каби стандарт талаблари таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, асосий воситаларни стандарт талаблари доирасида гуруҳланганлиги, уларга қўлланилган амортизация ҳисоблаш усуллари ва нормалари Корхона ҳисоб сиёсатида белгиланган меъёрларга мослиги ва амалдаги Солиқ қонунчилиги талабларидан четга чиқишлар ўрганилди.

2.6. КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР АУДИТИ

Корхонанинг асосий воситалар ва номоддий активларга инвестицияларини ташкил қилиш бўйича харажатлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 0810 "Тугалланмаган қурилиш";
- 0820 "Асосий воситаларни харид қилиш";
- 0830 "Номоддий активларни харид қилиш";
- 0890 "Бошқа капитал қўйилмалар".

"Тугалланмаган қурилиш" счётида (қурилиш пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишдан қатъи назар) капитал қурилиш сметалари, смета-лойиҳа ҳисоб-китобларида ва титул рўйхатларида келтирилган бино ва иншоотларни барпо этиш, ускуналар, асбоблар, инвентарлар ва бошқа жиҳозларни сотиб олиш бўйича харажатлар ҳисобга олинади. Аудит текшируви натижасида 0810 "Тугалланмаган қурилиш" счётида (қурилиш пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишдан қатъи назар) йил бошига қолдиғи 5 600 233 980,07 сўмни ташкил этган бўлиб, йил охириги келиб 0810 "Тугалланмаган қурилиш" счётида (қурилиш пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишдан қатъи назар) жами 9 010 218 933,71 сўм қолдиғи мавжудлиги аниқланди.

Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебитида асосий воситалар объектларининг бошланғич қийматида ўрнатилган тартибда қўшиладиган қурувчининг барча ҳақиқий харажатлари, шунингдек корхонанинг асосий воситаларни, номоддий активларни харид қилиш, асосий подани ташкил этиш ва бошқа капитал қўйилмалар билан боғлиқ харажатлари акс эттирилади.

Ҳисобот даври бошига 0820 "Асосий воситаларни харид қилиш" счётининг қолдиғи жами 3 637 589 000,41 сўмни ташкил топган бўлиб, ҳисоботи йили охирига келиб натижасида 0810 "Тугалланмаган қурилиш" счётида (қурилиш пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишдан қатъи назар) жами 10 524 538 988,53 сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси 5-сон "Асосий воситалар" БХМС талабларига риоя этилиши, жумладан, асосий воситаларни ҳисобга олишдаги асосий қоидалар ҳисобланган асосий воситаларнинг актив сифатида тан олиш юзасидан амалдаги қонун-ҳужжатларидан четга чиқишлар кузатилмади.

2.7. ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРИ АУДИТИ

Ҳисоботнинг ушбу бўлими бўйича меъёрий-ҳуқуқий базаси:

Ўзбекистон Республикаси БХМА 4, БХМА 19, БХМА 21, "Махсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисидаги Низом", "Мол-мулкни йўқламадан ўтказишда аниқланган ортиқчалик ва камомадларни солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисида Низом", "ТМЗларни қабул қилишда ишонч варақалари бериш ва расмийлаштириш тартиби", бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар.

Товар-моддий захираларни ҳисобга олишнинг асосий қоидалари бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади: тан олиш пайтини белгилаш, таснифлаш, баланс қийматини баҳолаш; товар-моддий захиралар таннархига киритиладиган харажатларни белгилаш, харажатларни, шу жумладан харажат сифатида товар-моддий захиралар қийматини кейинчалик тан олиш; товар-моддий захиралар қийматини сотиш (баҳолаш)нинг соф қийматида қадар камайтириш; уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни, шунингдек улар бўйича ахборотни молиявий ҳисоботда ёритиш тартибини аниқлаш.

Инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибига қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган активлар киритилади:

а) хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;

б) қиймати бир бирлик (комплект) учун хизмат муддатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида белгиланган (харид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда бўлган буюмлар. Ташкилот раҳбари ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида уларни инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибида ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг бундан паст чегарасини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъий назар инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибига қуйидагилар киритилади:

а) махсус асбоблар ва мосламалар, махсус ва санитария кийимлари, махсус пойабзал, кўрпа-тўшаклар, ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказо), ошхона инвентари ва бошқалар киради.

Жамиятга тегишли бўлган хом-ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, конструкциялар, деталлар, идишбоб материаллар, инвентарлар, хўжалик жиҳозлари ва ш.к. қийматликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилган:

1010 "Хом-ашё ва материаллар";

1020 "Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар";

1030 "Ёқилғилар";

1040 "Эҳтиёт қисмлар";

1050 "Қурилиш материаллари";

1060 "Тара";

1070 "Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар";

1080 "Инвентар ва хўжалик жиҳозлари";

1090 "Бошқа материаллар".

Жамиятда товар моддий қимматликлар "Тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида"ги шартномалар билан моддий жавобгар шахслар зиммасига бириктирилган бўлиб, материал қийматликлар шартномаларга асосан, ишонч қоғозларига биноан сотиб олиниб, ҳужжатлар бўйича оморга кирим қилинган. Ҳисобот бўйича 2024 йил давр бошига товар моддий заҳираларининг қолдиғи 119 448 995 856,59 сўмни ташкил этган. Ҳисобот даврида товар моддий заҳиралар счётига ички айланмалар ва бериб юборишларни яний филиаллардан филиалларга, бўлимлардан бўлимларга, моддий жавобгар шахслардан бошқа моддий жавобгар шахсларга ҳисобга олган холда жами 1 402 944 260 313,28 сўмлик материаллар кирими амалга оширилган бўлиб, аудит текшируви давомида товар моддий заҳиралар счётига ички айланмалар ва бериб юборишларни яний филиаллардан филиалларга, бўлимлардан бўлимларга, моддий жавобгар шахслардан бошқа моддий жавобгар шахсларга ҳисобга олган холда жами 1 356 422 712 407,57 сўмлик товар моддий заҳиралар чиқими амалга оширилган. Ҳисобот бўйича 2024 йил давр охирига товар моддий заҳираларининг қолдиғи жами 165 970 543 762,30 сўмни ташкил этган.

Ушбу тақдим этилган ҳисобот маълумотлари жамият бирламчи ҳужжатлар маълумотларига тўлиқ мос келади.

2024 йил давомидаги товар моддий захиралар счётининг айланмаси

(сўмда)

Счётлар	Материаллар гуруҳлари	Давр бошига Қолдик	Кириш	Чикиш	Давр охирига Қолдик
1010	Хом ашё ва материаллар	27 683 993 486,90	118 447 182 629,55	111 311 302 457,64	34 819 873 658,81
1020	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар	14 943 409,96	5 248 286,00	7 564 986,00	12 626 709,96
1030	Ёкилгилар	9 755 729 005,29	905 666 337 165,75	901 725 130 444,27	13 696 935 726,77
1031	ПТНдаги кўмир	77 849 743,87	357 377 811,59	355 944 695,61	79 282 859,85
1040	Эҳтиёт қисмлар	66 441 884 444,93	344 022 826 657,84	306 518 106 366,50	103 946 604 736,27
1046	Эҳтиёт қисмлар 1046	227 403,83	0,00	0,00	227 403,83
1050	Қурилиш материаллари	1 059 666 335,37	7 367 749 240,35	6 628 940 829,96	1 798 474 745,76
1060	Тара	69 891 154,83	22 359 161,54	29 133 203,24	63 117 113,13
1070	Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар	2 356 659 979,94	253 233 700,28	143 269 158,68	2 466 624 521,54
1071	Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар 1071	4 585 975,27	0,00	0,00	4 585 975,27
1080	Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари	5 820 043 399,65	16 855 995 251,26	17 243 971 670,50	5 432 066 980,41
1090	Бошқа материаллар	6 156 838 112,97	9 654 696 281,39	12 168 047 046,46	3 643 487 347,90
1091	Мет ранги	-48 013,02	0,00	-48 013,02	0,00
Жами:		119 448 995 856,59	1 402 944 260 313,28	1 356 422 712 407,57	165 970 543 762,30

Жамият бухгалтериясида материаллар кирими ва чиқими бўйича барча меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириб келинган. Моддий жавобгар шахслар ташкилот бош ҳисобчисига ҳар ойда камида бир марта ҳисоботларни тақдим этиб келганлар.

Товар моддий захиралари ҳисобини Ўзбекистон Республикаси 4-сонли БХМА ҳамда 19-сонли БХМС талабларига мос равишда юритиш ва белгиланган муддатларда йўқламадан (инвентаризация) ўтказиш бўйича корхонада мавжуд бўлган барча моддий бойликлар йўқламадан ўтказилиб, 2024 йил 1 ноябрь ҳолатига таққослаш далолатномалари тузилган.

АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲИСОБИ АУДИТИ

2000 "Асосий ишлаб чиқариш" счётининг дебети бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғри харажатлар шунингдек, ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари, асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган эгри харажатлар ва яроқсиз маҳсулот ҳисобига йўқотишлар акс эттирилади.

2000 "Асосий ишлаб чиқариш" бўлими бевосита аудиторлик текшируви натижасида асосий ишлаб чиқариш харажатлари аналитик ҳисоби харажатларнинг юзага келиш жойлари ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланганлиги аниқланди. Аудиторлик текширувлари ўтказилаётган давр яъни 2024 йилда бевосита 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счётига жами **29 865 017 914,88** сўмлик харажатлар тўғри ва асосли ҳисобдан чиқарилган.

2.8. ҲАЗНА МУОМАЛАЛАРИ АУДИТИ

Ҳисоботнинг ушбу бўлими бўйича меъёрий базаси:

“Юридик шахслар томонидан касса операцияларини юритиш қоидалари” (Ўзбекистон Республикаси АВ да 1998 йил 17 декабрда 565-сон билан рўйхатга олинган), БХМА 15, БХМА 22, бошқа пул маблағларини тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Ушбу бўлимнинг счётлари корхонага тегишли бўлган кассадаги мавжуд миллий ва чет эл валютасидаги, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва хориждаги банклар счётлардаги пул маблағлари, пул эквивалентлари, қимматли қоғозларга қилинган қисқа муддатли қўйилмалар, шунингдек камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар ва бошқа жорий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ушбу бўлимдаги счётларда чет эл валютасидаги пул маблағлари ва уларга тегишли операциялар миллий валютада - сўмда, чет эл валютасини пулли ҳисоб-китоб ҳужжатларидан кўчирма олинган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича қайта ҳисоблаш орқали ҳисобга олинади. Пул маблағлари қолдиғини ҳисобот ойининг охиригидан санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ҳар ойдаги қайта баҳолаш натижасидаги курс фарқлари (ижобий курс фарқи) 9540 “Валюталар курслари фарқидан даромадлар” ёки (салбий курс фарқи) 9620 “Валюталар курслари фарқидан зарарлар” счётига олиб борилади.

Жамият ғазна интизоми, нақд пул маблағлари сақланиши ва уларнинг ҳаракати текшириб кўрилганда, ғазнадан 2024 йилда яъни аудиторлик текширувлари даврида кассада пул маблағлари кирими ва чиқими ҳамда ҳисобот даври бошига ва охирига қолдиқ мавжуд эмаслиги аниқланди.

2.9. БАНК МУОМАЛАЛАРИ АУДИТИ

2.9.1 Ҳисоб-китоб счётининг миллий валютадаги пул маблағларини ҳисоби аудити

Банк муомалалари ҳисоби молиявий ҳисоботларда бухгалтерия баланси 340 қаторида акс эттирилади. Бухгалтерия баланси ҳисоботидаги маълумотлар пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот маълумотларига мос келади.

Корхонанинг банкдаги ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”да амалга оширилади.

5110 “Ҳисоб-китоб счёти”нинг дебети бўйича корхонанинг ҳисоб-китоб счётига пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади. 5110 “Ҳисоб-китоб счёти”нинг кредитида корхонанинг ҳисоб-китоб счётидан пул маблағларининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Банк кўчирмасини текшириш натижасида корхонанинг ҳисоб-китоб счёти дебети ёки кредитига хатолик билан олиб борилган суммалар 4860 “Даъволар бўйича олинган счётлар” ёки 6960 “Даъволар бўйича тўланадиган счётлар” билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида ҳисоб-китоб счёти бўйича операциялар банк кўчирмалари ва уларга илова қилинадиган пулли ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100) бўйича аналитик ҳисоб миллий валютадаги пул маблағларини сақлаш учун банкларда очилган ҳар бир счёт бўйича юритилади.

Аудиторлик текширувлари ўтказилаётган ташкилот молия-хўжалик фаолиятини юритишда тушумлар ва тўловлар Тошкент ш. "УЗСАНОАТҚУРИЛИШ" АТБ банкининг бош офисидаги (МФО:00440), асосий жорий ҳисоб рақами: 2021 0000 6001 2695 6001 бўлиб, барча молиявий масалаларни ва ўтказмаларни ушбу ҳисоб рақамлари орқали амалга оширган.

Банк кўчирмалари бўйича ҳисоботлар тузилган, бухгалтерия ўтказмалари қилинган, ва бош китоб саҳифаларида акс эттирилган.

Аудиторлик текширувлари натижасида Жамият 2024 йил 1 январ ҳолатига жорий ҳисоб рақами ва бошқа ҳисоб рақамларида жами пул маблағлари қолдиғи 45 218 663,09 сўмни ташкил этган, ҳисобот даврида жорий ва бошқа ҳисоб рақамларига жами 45 634 904 897,25 сўм кирим қилинган ва 45 440 279 803,84 сўм пул маблағлари мақсадли йўналтирилган, ҳисобот даври охирига ҳисоб рақамда маблағ қолдиғи 239 843 756,50 сўм ташкил этган.

Аниқланишича, Жамият жорий ҳисоб рақамига тушган пул маблағлари мақсадли равишда ташкилот Уставида кўзда тутилган мақсадларди сарфланган.

Жамиятнинг жорий ҳамда бошқа ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ҳисоби Ўзбекистон Республикаси БХМА №9 талаблари асосида юритилиб, ҳисоботлар банк кўчирмаларига асосан тузилган. Ҳисоботлардаги маълумотлар бош китобдаги маълумотларга мос келади.

2.9.2 Ҳисоб-китоб счётининг чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисоби аудити

Мамлакат ҳудудида чет эл валютасидаги пул маблағларининг ҳаракати ва муомаласи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 21 майда 1364-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (22-сон БҲМС) «Чет эл валютасида ифодаланган активлар ва мажбуриятларнинг ҳисоби» билан тартибга солинади.

"Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида" НИЗОМ талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида барча хўжалик юритувчи субъектлар миллий валютада - сўмда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиши шарт, агарда қонунчиликда бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса. Хўжалик юритувчи субъект томонидан қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутувчи битимлар чет эл валютасидаги операциялар ҳисобланади:

а) мол-мулкни (асосий воситалар, номоддий активлар, товар-моддий захиралари ва бошқа активларни) чет эл валютасига сотиб олиш ёки сотиш;

б) чет эл валютасига ишлар, хизматлар кўрсатиш ва улардан фойдаланиш;

в) тўлаш ёки олиш суммаси чет эл валютасида белгиланган кредитлар ва қарзларни олиш ёки бериш;

г) чет эл валютасидаги мажбуриятларни ўзига қабул қилиш ёки мажбуриятларни қоплаш.

Чет эл валютасида ифодаланган хўжалик операциялари, активлар ва мажбуриятларни (устав капиталини шакллантириш бўйича мажбуриятлардан ташқари) сўмга қайта ҳисоблашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган чет эл валютасининг сўмга нисбатан курсининг (кейинги ўринларда - Марказий банк курси) ўзгаришига қараб ижобий ёки салбий курс фарқи юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси ва чет мамлакатлар ҳудудидаги банклар счётларидаги чет эл валютасидаги пул маблағларининг нақдлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

5210 "Мамлакат ичида валюта счётлари";

5220 "Чет элдаги валюта счётлари";

Аудиторлик текширувлари натижасида аниқланишича, текширув ўтказилаётган ташкилотда валюта ҳисоб-рақами очилмаган ва чет эл валютасидаги пул маблағлари ҳаракати амалга оширилмаган.

2.9.3 Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағлари ҳисоби аудити

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва чет мамлакатлардаги аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатларидаги (векселлардан ташқари) пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисида, шунингдек, мақсадли молиялаштириш (тушумлар) пул маблағларининг алоҳида сақланадиган қисмининг ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счётларда амалга оширилади:

5510 "Аккредитивлар";

5520 "Чек дафтарчалари";

5530 "Бошқа махсус счётлар".

5510 "Аккредитивлар" счётида аккредитивдаги пул маблағлари ҳисобга олинади. Аккредитивга пул маблағларини ўтказиш 5510 "Аккредитивлар" счётининг дебетида ва 5110 "Ҳисоб-китоб счёти", 5210 "Мамлакат ичидаги валюта счётлари", 5220 "Чет элдаги валюта счётлари" ва бошқа счётларнинг кредитида акс эттирилади.

5510 "Аккредитивлар" счёти бўйича аккредитивга ҳисобга олинган пул маблағлари уларнинг ишлатилиши бўйича (банк кўчирмаларига асосан), 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар"нинг дебетида ҳисобдан чиқарилади. Аккредитивдаги ишлатилмаган маблағлар, банк томонидан улар қайси счётдан ўтказилган бўлса, шу счётларга қайта тикланганда 5510 "Аккредитивлар" счётининг кредити, 5110 "Ҳисоб-китоб счёти", 5210 "Мамлакат ичидаги валюта счётлари", 5220 "Чет элдаги валюта счётлари" ва бошқа счётлар билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

5510 "Аккредитивлар" счёти бўйича аналитик ҳисоб корхона томонидан қўйилган ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида юритилади.

5520 "Чек дафтарчалари" счётида чек дафтарчаларидаги пул маблағларининг ҳаракати ҳисобга олинади. Чек дафтарчаларини беришда пул маблағларини депонентлаш 5520 "Чек дафтарчалари" счётининг дебети ва 5110 "Ҳисоб-китоб счёти", 5210 "Мамлакат ичида валюта счётлари", 5220 "Чет элдаги валюта счётлари", 6810 "Қисқа муддатли банк кредитлари" ва бошқа счётларнинг кредитида акс эттирилади. Корхона томонидан берилган чекларнинг тўлови доирасидаги сумма 5520 "Чек дафтарчалари" счётининг кредитидан харажат ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар билан боғланган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Чек билан берилган, лекин банк томонидан тўланмаган (тўловга тақдим этилмаган) сумма 5520 "Чек дафтарчалари" счётида қолади ва ушбу 5520 "Чек дафтарчалари" счётининг қолдиғи банк кўчирмалари билан мос келиши лозим.

Аудиторлик текширувлари натижасида аниқланишича, текширув ўтказилаётган ташкилотда махсус ҳисоб-рақамлар очилган булиб 5210 "Мамлакат ичидаги валюта

счётлари” счётида йил бошига қолдиғи 0 сўмга тенг бўлиб, ҳисобот даври мобайнида 5210 “Мамлакат ичидаги валюта счётлари” счётида жами 397 083 682 470,70 сўм кирими ва чиқими амалган оширилган ҳамда йил охирига келиб 5210 “Мамлакат ичидаги валюта счётлари” счёти қолдиғи мавжуд эмас. Аудиторлик текширувлари натижасида Жамият 2024 йил 1 январ ҳолатига 5530 “Бошқа махсус счётлар” счётида йил бошига қолдиғи жами 1 482 199 289,04 сўмни ташкил этган, ҳисобот даврида жорий ва бошқа ҳисоб рақамларига жами 2 781 731 299 995,19 сўм кирим қилинган ва 2 632 738 674 079,68 сўм пул маблағлари чиқими амалга оширилган, ҳисобот даври охирига 5530 “Бошқа махсус счётлар” счётида маблағ қолдиғи 150 474 825 204,55 сўм ташкил этган.

2.10. ХОДИМЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШИШЛАР АУДИТИ.

Меҳнатга ҳақ тўлаш, ажратма ҳамда ушланмалар ҳисоби

Ходимлар билан ҳисоб-китоблар қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси билан тартибга солинади:

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси,
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси,
- Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси,
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги Низом (Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сон қарори) ва бошқа қонун ҳужжатлар тўплами.

Молиявий ҳисоботларда ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб китоблар бухгалтерия баланси ҳисоботининг 250 қаторида, ходимларга берилган бўнақлар сифатида, ҳамда бухгалтерия баланси ҳисоботининг 720 қаторида, иш ҳақи бўйича ходимлардан қарздорлик сифатида акс эттирилади.

Корхона рўйхатида бўлган ва рўйхатда турмаган ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш (меҳнат ҳақининг ҳамма турлари, мукофотлар, ёрдам, ишлайдиган пенсия олувчиларга ҳисобланган пенсия ва бошқа тўловлар) бўйича жорий қарзлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6710 “Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар”;

6720 “Депонентланган иш ҳақи”.

Жамиятнинг “Ходимлар билан ҳисоблашишлар” ҳисоби бўйича 2024 йил 1 январ ҳолатига кредиторлик қарзи қолдиғи жами 13 796 799 166,57 сўмни ташкил этган.

2024 йил давомида Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш учун жами 6 432 нафар ишчи ва хизматчилар ишлаганлиги аниқланди. 2024 йил давомида жами **443 513 483 651,29** сўм миқдоридagi ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланган бўлиб солиқлар ва бошқа мажбурий ажратмаларнинг ҳисобланишида фарқлар аниқланмади. Иш ҳақи билан боғлиқ солиқ ҳисоботлари ўз вақтида ва тўғри тақдим этилган, ҳисоботлар топшириш муддатларига риоя этилган. 2024 йил 31 декабрь ҳолатига иш ҳақидан кредиторлик қарз қолдиғи **12 524 170 792,27** сўмни ташкил этган.

Аудитор текширувлари давомида аудитор томонидан Жамиятда меҳнат муносабатларини ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоблашишлар, меҳнатни ташкил этиш юзасидан амалдаги меҳнат қонунчилиги меъёрларига риоя этилиши, иш берувчи ва ишчи ўртасидаги муносабатлар, ички меҳнат тартиблари (жамоа шартномаси, иш ҳақи ва мукофатлаш тўғрисидаги Низом, ички тартиб қоидалар ва бошқа ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар), қолаверса, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ солиқ мажбуриятлари таҳлил қилинди.

Иш ҳақи ҳисоби "1-С Бухгалтерия 8.1" компьютер дастури асосида юритилиб, ҳисоблашишлар шатлар жадвали асосида вақтбай усулларида олиб борилган.

2024 йил ҳисобот даври давомида ташкилот томонидан мамлакат ичидаги ва ташқарисидаги хизмат сафарлари учун жами 229 601 098 661,81 сўм миқдорида аванс тўловлари амалга оширилган бўлиб, ташкилотда хизмат сафарига борган ходимлар томонидан ўз вақтида аванс ҳисоботлари тақдим этилган ва ташкилот томонидан хизмат сафари харажатлари юзасидан фарқлар аниқланмади.

2.11. СОЛИҚЛАР ВА АЖРАТМАЛАРНИНГ ҲИСОБЛАНИШИ АУДИТИ

Ҳисоботнинг ушбу бўлими бўйича меъёрий базаси: Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Давлат солиқ қўмитасининг кўрсатма ва йўриқномалари ҳамда солиққа оид меъёрий ҳукукий ҳужжатлар ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида **Жамият** асосий фаолиятдан олинган даромадларидан умумбелгиланган солиқлар тўловчиси ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ташкилот жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ва бошқа давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлайдилар.

- Қўшилган қиймат солиғи;
- Юридик шахслардан ундириладиган фойда солиғи;
- Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи;
- Ижтимоий солиқ;
- Мол-мулк, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- Дивидент солиғи.

Солиқ агенти сифатида солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш мажбурияти солиқ тўловчига даромад тўлайдиган ва солиқ агентлари деб эътироф этилган қуйидаги шахсларнинг зиммасига юклатилади:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг юридик шахсларига;
- 2) яқка тартибдаги тадбиркорларга;
- 3) Ўзбекистон Республикасида фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасининг норезиденти бўлган юридик шахсларга;
- 4) Ўзбекистон Республикаси норезиденти бўлган юридик шахсларнинг ваколатхоналарига;
